

O'ZBEKISTON



OVOZI

IJTIMOY-
SIYOSIY
GAZETA

• 2005-yil • 6-oktabr • Payshanba • 125 (27.460) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕХНАТКАШЛАРИГА

Қадри дўстлар!
Авваламбор, сиз, азизларни 275 минг тонналик улкан хирмон бунёд этиб, пахта тайёрлаш бўйича шартнома режасини юртимизда биринчилар қаторида муваффақиятли адо этганингиз билан чин қалбидан самимий мураббад этаман.

Албатта, бу катта меҳнат галабасига эришишда вилоят қишлоқ хўжалигида амалга оширилган кенг кўламли ўзгаришлар, деҳқон ва фермерларга яратилаётган имкониятлар, ишга янгича ёндашув, энг муҳими, одамларда ерга, мулкка бўлган эгаллик туйғуси, манфаатдорлик ҳиссиётининг ошиб бораётгани ҳал қилувчи аҳамият касб этгани шубҳасиз.

Айни пайтда яна бир муҳим омил ҳам борки, уни алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Яъни, оғир ва мураккаб табиий иқлим шароитида ўз заминини севиб ардоқлаб, воҳанинг кучли шамоли, қаҳратон совуғи, жазирама иссиғига мардона бардош бериб, мўл ҳосил етиштириб келаётган Хоразм деҳқонларининг қаҳрамонона меҳнати бу ютуқнинг пойдеворидир, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Сизлар бу ҳақиқатни ҳар кунлик иш фаолиятингиз, эришаётган мана шундай зафарларингиз билан яққол исботлаб келмоқдасиз.

Яқинда мен вилоят далаларида бўлиб, сиз, муҳтарам ёшлар билан суҳбатлашганимда бундай интилиш ва ҳаракатлар амалда қандай ижобий натижалар бераётганини кўриб, мамнун бўлдим.

Айниқса, бугун деҳқон ёки фермер бўладими, пудратчи ёки механизатор бўладими — далада меҳнат қилаётган ҳар бир инсоннинг дунёқараши тубдан ўзгариб, ўз қадри-қимматини билиб, ўз иши, ўз хўжалиги ҳақида фахр-ифтихор билан сўзлаши, келажакка ишонч билан қарашни ниҳоятда қувонтиради.

Яратилган улкан хирмоннинг 80 фоизи фермер хўжалиқлари ҳиссасига тўри келиши, етиштирилган ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан, қисқа муддатда, юз фоиз юқори сифат билан топшириганингиз мисолида ана шундай ўзгаришлар самарасини яққол кўриш мумкин.

Ўз тугилиб ўсган тупроғига қалб меҳрини бериб, унга садоқат билан яшайдиган мустақкам иродали одамларгина мана шундай юксак марраларни забт этиши, ўз олдига қўйган мақсад-муддаоларга етишга қодир бўлади.

Шу имкониятдан фойдаланиб, мен учун қадри бўлган сиз, азизларга, мард ва қатъиятли, меҳнаткаш Хоразм аҳлига яна бир бор ўзинингиз чукчур ҳурмат-аҳтиромим ва самимий тилакларимни изхор этишдан бахтиёрман.

Барчангизга сихат-саломатлик, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Домо омон бўлинг, бахтингиз ётмагай, қадрдонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

«Пахта — 2005»

Мустақилликнинг ўн тўртинчи йилида пахтадан мўл ҳосил кўтарган хоразмлик деҳқонлар кеча давлат қабул пунктларига 275 минг тонна юқори сифатли хомашё топшириб шартнома режасини ошириб адо этдилар.

Ўтган йили айни шу кунларга қадар 184 минг тонна атрофида пахта терилган бўлиб, кунлик ўсиш бир фоиздан ҳам тушиб кетган эди. Бу йил сўнгги кунларга қадар ҳам мазкур курсаткич 2,36-2,35 фоиздан пастга тушмади.

Қўлимиздаги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2005 йилда пахта хомашёси тайёрлаш тўғрисидаги 5 октябрга-ча бўлган сўнгги маълумотга назар ташлаймиз: **Хоразм вилояти — бир кунда 6490 тонна ёки йиллик режага кўра — 2,36 фоиз, мавсум бошидан бунён 268724 тонна ёки йиллик режага кўра 97,72 фоиз...**

Кечга келиб хушхабар таралди: хоразмлик пахтакорлар Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилояти заршунослари қаторида пешқадамлардан бўлиб маррага етишди: **275 минг тонналик хирмон тайёр!**



ШИЖОАТ ВА ҚАТЪИЯТ НАМУНАСИ

Эришилган ютуқда Янгибозор, Ҳазорасп, Хонқа, Богот ва Хива туман меҳнаткашларининг ҳиссалари айниқса катта бўлди. Уларнинг йил бўйи амалга оширган барча юмушлари замирида ишни тўғри ташкил этиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида ҳал қилувчи куч бўлган фермерлик ҳаракати кенг йўлга очиб бериш, эгаллик ҳисси, манфаатдорлик туйғуси билан яшаш

ҳамда астойдил тер тўкиш каби омиллар муҳим бўлди. Президентимиз сентябрь ойининг учинчи кунини бошида воҳода бўлиб, вилоятнинг серҳосил далаларини шаҳсан ўзи кўздан кечиргани, туманларда оғир табиий шароитга қарамай амалга оширилаётган ишлардан кўнгли тўлгани ҳам худуд деҳқонлари ғайратига ғайрат қўшди.

2-бет

Ҳаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир

«ТАЪЛИМ — 2005» КЎРГАЗМАСИ

Айни кунларда пойтахтимиздаги «Ўзқўрғазмасавдо» павильонидида таълим соҳасидаги энг янги технологияларни маҳаллий ҳамда чет эл бозорларига тақдир этиш, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадида «Таълим — 2005» кўрғазмаси бўлиб ўтмоқда.

Айтиш жоизки, бугун мамлакатимизда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат



умуммиллий дастури ижросини таъминлаш юзасидан, жумладан, дастурнинг асосий босқичларидан бўлган умумтаълим мактабларини мебель, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада ўқув жиҳозлари ва спорт анжомларининг янги, замон талабларига жавоб берадиган сифатли, қўлай ва бежирим намуналари тайёрланиб, те-

гишли равишда умумтаълим мактабларига етказиб берилмоқда. Жорий йилнинг баҳорида Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан «Ўзқўрғазмасавдо» таълим мактаблари ва ўқув жиҳозлари кўрғазмаси билан танишган Президентимиз маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланаётган барча турдаги маҳсулотлар сифатини жаҳон андозаларига етказиш, уларни ўқитувчи

ва ўқувчи ҳар томонлама қўлай, шинам ҳамда мос бўлишига оид маслаҳатлар берган эдилар. Ушбу фикрлар инobatга олиниб, бу галги кўрғазмада маҳаллий корхоналар билан бир қаторда Германия, Буюк Британия ва Россия каби ривожланган давлатлар етакчи фирми ва компаниялари иштирок этмоқда.

илмий йўналишларга оид асбоб-ускуналар, ўқувчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, соғлигини сақлаш, ўқув-тарбия жараёнига тегишли ахборот ва услубий қўлланмалар, илмий нашрлар, болалар спортти ҳамда таълим муассасаларига мўлжалланган асбоб-ускуналар ўрин олган. Шуниси диққатга сазоворки, бу галги кўрғазмада маҳаллий корхоналар билан бир қаторда Германия, Буюк Британия ва Россия каби ривожланган давлатлар етакчи фирми ва компаниялари иштирок этмоқда.

Анвар САМАДОВ
Суратларда: кўрғазмадан лавқалар. Владимир ГРАНКИН олган суратлар.



TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKORI
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshbn.uz E-mail: info@tshbn.uz va Birja@mail.tps.uz

O'ZBEKISTON XAVO YOLLARI
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI

ALOQABANK
aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-84
WWW.aloqabank.uz E-mail: info@aloqabank.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 октябрь куни Оқсаройда Корея Республикаси Миллий ассамблеяси Спикери Ким Вон Кини қабул қилди. Президентимиз меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон Жанубий Корея билан муносабатларга устувор аҳамият беришини ва бу давлат билан ҳамкорликни қадрлашини таъкидлади.

— Жорий йилнинг май ойида Корея Республикаси Президенти Но Му Хён мамлакатимизга ташриф буюриганида кўплаб муҳим келишувларга эришилди, — деди Ислом Каримов. — Но Му Хёнга ҳамкорлик қилган ишбилармонлар гуруҳи билан самарали музокаралар ўтказилиб, қатор соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган ҳужжатлар имзоланди. Дарҳақиқат, Жанубий Корея Ўзбекистоннинг энг яқин ҳамкорларидан. Ўзаро ҳамкорлик

алоқалари мамлакатимиз мустақилликка эришган ilk йилларданок йўлга қўйилди ва тез орада Корея Республикаси Ўзбекистоннинг асосий савдо шерикларидан бирига айланди. 2004 йили Ўзаро товар айланмаси аввалги йилдагига нисбатан 41 фоиз ортиб, салкам 409 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Сиёсий ҳамжиҳатлик, савдо-иқтисодий ҳамкорлик билан бирга, Ўзаро муносабатларимиз мазмунини ижтимоий-маданий алоқалар ҳам бойитиб келмоқда. Бунда Ўзбекистон раҳбарининг мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни, миллатларо товуликни, мустақамлашга қаратилган изчил сиёсати муҳим омил бўлмоқда. — Сиз билан учрашиш мен учун катта шарафдир, — деди Ким Вон Ки суҳбат чоғида. — 14 йил — тарихан қисқа давр. Ана шу қисқа даврда Ўзбекистон халқи барча соҳаларда кенг кўламли ислохотларни амалга ошириб, катта муваффақиятларни қўлга киритди. Меҳмон мамлакатимизда юздан зиёд миллат ва элал вакиллари, жумладан кореялар тинч-тову ҳаёт кечираётганини алоҳида таъкидлади. — Хорижда яшайдиган кўпчилик кореяларни тарихий ватанига қайтиш имкониятлари қизқиради, — деди Ким Вон Ки. — Ўзбекистонда эса бундай эмас. Бу ерда ўзига хос товулик, бағрикенглик шакланган. Бошқа бундай давлатни топиш қийин. Шу боис ҳам Ўзбекистон раҳбариятининг бу борадаги сиёсатини юксак қадрлаймиз. Меҳмон самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билан раҳбарият билан кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Тадбиркорлик субъектларини текширишни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш ва текширишлар сонини кескин қисқартириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши учун назорат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида:

1. Қуйидагилар белгилансин: микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжалиқларининг молия-хўжалик фаолиятини ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса ҳар уч йилда кўпи билан бир марта режа асосида текшириш ўтказилмайдиган; янги ташкил қилинган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжалиқларининг молия-хўжалик фаолиятини улар давлат рўйхатида олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текшириш ўтказилмайдиган;

фистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қаттиқ оғохлантириб қўйилсинки, назорат органларининг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектлари руҳсатсиз текширилганлиги ва уларнинг хўжалик фаолиятига ноқонуний арашчилганлиги учун етказилган иқтисодий зарарининг ўрни қопланган ҳолда жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг текширишларни тайинлаш ва ўтказиш борасида белгиланган тартибга қатъий риоя этиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги фаолияти устидан мунтазам назоратни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг янгиланган таркиби тасдиқлансин.

4. Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш йиллик чорак мувофиқлаштирувчи режа-жадвалларини шакллантиришни аниқ асосланган таъминоти ишлаб чиқишлигини таъминласин;

2005 йилнинг 1 декабрига-ча муддатда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини 2006 йилда текшириш мувофиқлаштирувчи режа-жадвалини иш-

лаб чиқиб, тасдиқласин, унда мазкур Фармоннинг 1-бандида мувофиқ комплекс текширишлар ўтказишнинг асосланган таъминоти ишлаб чиқилган ҳолда текширилиши лозим бўлган субъектлар рўйхатини шакллантиришни назарда тутсин; назорат органларига «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида» қонун моддаларига қатъий мувофиқ равишда режадан ташқари текширишлар ўтказишлигини асослаб берадиган сабаблар мавжуд бўлган факультатив ҳолатда уларни ўтказишга рухсат берсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда уларнинг идоравий норматив ҳужжатларини мазкур Фармон билан мувофиқлаштирсиналар.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 3 августдаги «Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши таркибига ўзгаришлар киритиш тўғрисида» ПФ-2678-сонли Фармонининг 1-банди ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С.Шамшиев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 5 октябрь

АҚШДА ДЕМОКРАТИЯ ТЎҒРИСИДАГИ АФСОНА ОБРЎСИГА ПУТУР ЕТДИ

ВАШИНГТОН ҚАРАХТ ҲОЛАТДА. СЎРОВЛАР НАТИЖАЛАРИ ШУНИ КЎРСАТМОҚДАКИ, «ДЕМОКРАТИЯ»ГА ҲАТТО АМЕРИКАЛИКЛАРНИНГ ЎЗЛАРИ ҲАМ ИШОНИШМАЯПТИ

Washington Profile. Program on International Policy Attitudes тадқиқот маркази америкаликларнинг демократияга қандай ёндашишини аниқлади. Натижа мантиққа зид тарзда намоеён бўлди. Аниқланишича, АҚШ аҳолисининг 15 фоизи демократия бошқарувининг энг яхши усули, деб ҳисобламайди, 7 фоизининг эса бу борада эътиборга олиш керак, 43 фоиз америкаликларнинг ишончи қомилки, демократия

кўп мамлакатларнинг сиёсий қурилиши учун мақбул вариант эмас. 64 фоиз аҳолининг қатъий фикр билдиришича, келажакда барча мамлакатлар ҳам бирдек демократик бўлолмайдиган. 54 фоиз иштирокчи баён этишича, демократияни илгари суриш АҚШ ташқи сиёсатининг бош асосий негизи бўлиб қолмаслиги — унинг ўрнига асосий қилиб Қўшма Штатларнинг миллий манфаатлари ҳам қўйилиши керак. 75 фоиз эса АҚШ ўзга мамлакатлардаги демократик институтларни қўллаб-қувватлаш учун маблағ сарфлайвермаслиги шарт, деб ҳисоблайди.

Шунингдек, сўровда қатнашганлардан 16та давлатда амал қилаётган демократия даражасини баҳолашни сўраган. Баҳолаш 10 балли шкала бўйича амалга оширилди — 0 кўрсаткич энг минимал бўлиб, 10 энг юқори кўрсаткичдир. Натижага кўра, АҚШ етакчи мамлакатлар гуруҳига кирди, бироқ баҳоси мақтанарли даражада эмас — 6,24 балл. Қўшма Штатлар бу борада Канада (7,06 балл) ва Буюк Британия (6,86 балл) юташиб қўйди. Лексин Швецияни (6,21) ортда қолдирди. Россияда демократия даражаси 3,63 баллга баҳоланди. Таққослаш учун: Туркия — 3,62; Хитой — 1,89; Афғонистон — 2,63; Ҳиндистон — 3,99; Эрон — 1,68; Саудия Арабистони — 1,94; Ироқ — 2,23.

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKORI
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshbn.uz E-mail: info@tshbn.uz va Birja@mail.tps.uz

O'ZBEKISTON XAVO YOLLARI
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI

ALOQABANK
aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-84
WWW.aloqabank.uz E-mail: info@aloqabank.uz

Қарор ва ижро

ТАДБИРКОРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ

Тадбиркорликни ривожлантириш ва уни қўллаб-қувватлаш ҳуқуқимизнинг доимий диққат-эътиборида. Хусусан, Юрбошимиз томонидан жорий йилнинг ўзида тадбиркорликни ривожлантириш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий ёндашган эркинлаштириш бўйича бир қатор қарор ва Фармонлар қабул қилинди.

Дарҳақиқат, тадбиркорлик тараққиёт кафолати билан боғлиқ масалага айланган. Тадбиркорликни ривожлантириш масаласига ҳуқуқат миқёсида алоҳида эътибор қаратилаётгани сабаби ҳам шунда.

Ҳозир Фарғона вилояти бўйича ўттиз минг уч юздан зиёд тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Шундан 26031 микро, 2680 кичик, 1585 таси йирик корхоналар ҳисобланади.

Вилоят адлия бошқармасига жорий йилнинг олти ойи давомида тадбиркорлардан 125 та ариза келиб тушган. Ушбу мурожаатларни ўрганиш жараёнида маълум бўлдики, ҳали жойларда бу борада ютуқлар билан бирга айрим муаммолар ҳам мавжуд.

Масалан, ушбу мурожаатлар асосида шаҳар ва туман ҳокимлари номига 14, солиқ ва бошқа назорат қилувчи идораларга 43 та тақдимнома киритилди. Республика Адлия вазири ва вилоят ҳокимлигига эса бир неча ахборотномалар юборилди. Ушбу тақдимномаларга асосан, жами 103 та шахс интизомий жавобгарликка тортилган, шундан 11 таси ўз вазифасидан озод этилган. Ёки назорат органларининг 12 та қарори бекор қилинган. Масалан, Учқўприк туманида жорий йилнинг биринчи чорагида 8 та фермер хўжалигига пахта ва галла етиштириш учун 8.942.100 сўм кредит ажратилган. Унинг ҳужжатлари синчковлик билан текширилганда, кредит олишда тузилган шартномада ҳуқуқшуноснинг ёзма хулосаси мавжуд эмаслиги аниқланди.

Евёвон тумани Нурхон кўчаси 18-уйда яшовчи Ш.Нурматов ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган Қоратепта кишлоғи, Улугбек кўчаси, 2-уйни нотураар жой тоифасига ўтказиш ва бу ердан устакана сифатида фойдаланиш ҳақида туман ҳокимлигига ариза берди.

Ариза тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 4 ой 3 кун ётади.

Ваҳоланки, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасида «Фуқароларнинг ариза ёки шикоятлари масалани муҳиятдан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида, кўшимча ўрганиши ва текшириши талаб этмайдиган ариза ёки шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилиши» белгиланган.

Ўшбу қонуннинг 24-моддасида фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши кўрсатиб қўйилган. Шу боис Адлия бошқармаси томонидан Евёвон туман ҳокими номига тақдимнома киритилди.

Тақдимнома Евёвон туман ҳокимлигида кўриб чиқилиб, йиғилиш қарорига асосан камчиликларга йўл қўйган туман бош мемури А.Имомовга «хайфсиз» интизомий жазоси берилди. Туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси бошлиғи Т.Исаков эса эгалаб турган лавозимидан озод этилди.

Яна бир ҳақиқатни тан олмақ зарур. Юзага келатган шикоятбозликлар ўз ўрнидан пайдо бўлмайди. Баъзи шикоятлар одамлар орасида ҳуқуқий билим ва маданиятнинг етишмаслиги натижасида юзага келса, яна бир қисмига фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари айрим мансабдор шахслар томонидан поймол этилаётгани сабаб бўлиши мумкин.

Масалан, ширкат хўжалигининг ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этиш юзасидан ўтказилган тендердан Фарғона шаҳри Қувасой кўчасида яшовчи М.Мирзаев ноқонуний четлаштирилди. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари танловда тенг равишда иштирок этиши қонун билан белгилаб қўйилган. Шунга қўра, қайта ташкил этиш комиссиясида қонунбузилишни бартафоз этиш юзасидан тақдимнома киритилди. Қайтадан қонуний тендер ўтказилиши таъминланди.

2005 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тасдиқланган Фарғона вилоят прокуратураси ҳузурдаги **СВОЖҚК** (Солиқ валютага оид жиноятчиликка қарши курашиш) **бошқармаси** томонидан режалаштирилган 18, прокуратура идоралари томонидан режалаштирилган 38, назорат тафтиш бошқармаси томонидан режалаштирилган 17 та текширишлар «Текшириш режа жадвали»дан чиқариб ташланди. Уларнинг сони 7 тага камайтирилди.

Шунингдек, вилоятдаги назорат қилувчи органлар ҳамда жойлардаги ҳудудий комиссиялар иштирокида режа-жадвалга киритилган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти доимий равишда назоратга олинган ва солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида амалга ошираётган корхоналарни, айниқса кичик ва хусусий бизнес субъектларини режа-жадвалдан чиқариш ишлари олиб борилмоқда. Натижада 73 та намунали солиқ тўловчи корхоналар, 14 та товар обороти кам бўлган хўжалик юритувчи субъектлар текшириш режа-жадвалдан чиқарилди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тугатиш ёки тўхтатиб қўйиш, молиявий санкцияларни қўллаш, ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш лицензияларини 10 иш кундан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйиш, бекор қилиш ҳақиқатини суд орқали қўллаш ишлари амалиётга киритилди.

Лекин охири-охири ҳамма нарса тадбиркорларнинг ҳуқуқий савиясига бориб тақаллади. Жойларда хусусий тарзда иш кўрувчи юридик ва жисмоний шахслар билан уларнинг ҳуқуқлари борасида сўбатлар олиб бориши фойдалдан ҳоли эмас, албатта. Назаримда, уларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга, фаолиятга доир ҳуқуқий адабиётлар билан таъминлашга алоҳида эътибор бериш керак.

Абдураҳим ТУРҒУНОВ,
Фарғона вилоят адлия бошқармаси бошлиғи

Малайзияда дунёд, энг баланд бино ҳисобланган Пей, Пэс Тауэр, узунлиги бўйича учини ўринда турувчи телеминара, Осиёда энг катта масжид ва бошқа диққатга сазовор иншоотлар мавжудлиги бу мамлакатнинг ўзига хос салоҳиятидан далolat бериб туради.

Давлат ҳудуди икки қисмдан иборат. Уни Малайзия ярим ороли (Фарбий Малайзия) ва Шарқий Малайзия (Калимантан оролининг бир қисмида жойлашган Сабох ва Варавак музофотлари) ўртасидан оқиб ўтувчи Жанубий Хитой денгизи ажратиб туради. У Бруней, Индонезия, Таиланд каби мамлакатлар билан чегарадош. Мамлакат тарихи эраимиздан аввалги 300 йилларга бориб тақалади. Малайзияни 1509 йилда португалияликлар, 1641 йилда голландияликлар, кейин эса англияликлар босиб олган.

Шунингдек, вилоятдаги назорат қилувчи органлар ҳамда жойлардаги ҳудудий комиссиялар иштирокида режа-жадвалга киритилган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти доимий равишда назоратга олинган ва солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида амалга ошираётган корхоналарни, айниқса кичик ва хусусий бизнес субъектларини режа-жадвалдан чиқариш ишлари олиб борилмоқда. Натижада 73 та намунали солиқ тўловчи корхоналар, 14 та товар обороти кам бўлган хўжалик юритувчи субъектлар текшириш режа-жадвалдан чиқарилди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тугатиш ёки тўхтатиб қўйиш, молиявий санкцияларни қўллаш, ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш лицензияларини 10 иш кундан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйиш, бекор қилиш ҳақиқатини суд орқали қўллаш ишлари амалиётга киритилди.

Лекин охири-охири ҳамма нарса тадбиркорларнинг ҳуқуқий савиясига бориб тақаллади. Жойларда хусусий тарзда иш кўрувчи юридик ва жисмоний шахслар билан уларнинг ҳуқуқлари борасида сўбатлар олиб бориши фойдалдан ҳоли эмас, албатта. Назаримда, уларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга, фаолиятга доир ҳуқуқий адабиётлар билан таъминлашга алоҳида эътибор бериш керак.

Абдураҳим ТУРҒУНОВ,
Фарғона вилоят адлия бошқармаси бошлиғи



миллий мафкура «Рукунегара» (давлатчилик асослари)да ҳуқуқатнинг кўпмиллатли давлатда адолатли жамият қуриш, демократияни мустаҳкамлаш, мамлакатнинг миллий қадриятларига ҳурматда бўлиш режалари баён этилган. Шу мақсадларга эришиш учун эса ҳар бир шахс конституцияни ҳурмат қилиши, одоб ва ахлоқ меъёрларига

гаполис, бизнес марказга айланган. Мамлакат ҳудудида тарихий маданият ва архитектура ёдгорликларини учратиш мумкин.

Малайзия жануби-шарқий Осиёнинг энг ривожланган мамлакатлари сирасига киради. Бу эса давлатда ўнлаб йиллар давомида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар ва сиёсий барқарорликнинг мевасидир. Мамлакатнинг БМТ, АСЕАН, ЖССТ, ЖСТ ва бошқа бир қатор нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо эканлиги унинг жаҳон саҳнасидаги нуфузи ҳақида аниқ тасаввур беради.

Малайзия катта иқтисодий имкониятларга эга. Мамлакат газ, нефть, тўқимачилик, компьютер ҳозлари, резина, ёғоч ва пальма

Ўзбекистон Малайзия билан икки томонлама алоқаларга катта эътибор бериб келмоқда. Қирол Туанку Саййид Сирожуддин Жамаллулай тақлифи билан 2-4 октябр кунлари Президентимиз Ислам Каримовнинг Малайзияга қилган давлат таширифи ана шу алоқаларни янада мустаҳкамлашга ҳизмат қилади.

Ўзбекистон Малайзия билан дипломатик алоқаларни 1992 йилда йўлга қўйган эди. Уша пайтдан буён икки мамлакат орасида тенг шерикчилик асосидаги ҳамкорлик ривожланиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йилда Малайзияга қилган таширифи чоғида бу алоқаларга мустаҳкам пойдевор қўйилган эди. Шундан сўнг 1993 йилда Тошкентда Малайзия элчихонаси очилди.

Президентимиз давлат таширифининг биринчи кунидеъқ Хаво қатнови тўғрисидаги ҳуқуқатларро битим, Савдо бўйича қўшма қўмига тўғрисида, Сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида, Минерал ресурсларни ўзлаштириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳуқуқатларро ағлашув меморандуми, Алоқа ва ахборотлаштириш технологиялари соҳасида оид ҳуқуқатларро ағлашув протоколи, Хавфсизликни таъминлаш ва террорчиликка қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисида ағлашув меморандумлари имзоланди. Президент Ислам Каримов Малайзия Бош вазири Абдулла Бадавий ҳамда ташқи ишлар вазири Саййид Хамид Албарлар билан учрашиб, Ўзбекистон ва Малайзия ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий, савдо-иқтисодий, халқаро ва минтақавий алоқаларни янада яхшилаш борасида фикр алмашди.

Хуришд РАУПОВ

ТАРИХИ ВА БУГУНИ УЙҒУН МАМЛАКАТ

1957 йилнинг 31 август кўни Малайзия федерацияси мустақил давлат деб эълон қилинди. Янги озод мамлакат ўзида Малайзиянинг барча штатлари, Сингапур, Сабох ва

риоя қилиши кераклиги айтилган.

Малайзия давлат тизими конституцион монархиядир. Мамлакатнинг амалдаги раҳбари Қирол Туанку Саййид Сирожуддин Жамаллулай 2002 йилнинг 25 апрелида тахтга ўтирган. У Малайзиянинг ўн иккинчи қиролдир. Қирол айни замонда мамлакат қўролли кучлари Бош қўмондонни ҳисобланади. Бундан ташқари, ҳар бир вазири қирол розилиги билан тайинланади.

Малайзиянинг олий қонун чиқарувчи органи федерал парламент Вакиллар палатаси ва Сенатдан иборат. Парламент қонунлар қабул қилишдан ташқари, ҳуқуқатнинг молиявий фаолиятини ҳам назорат қилади. Малайзияда ўнлаб сиёсий партиялар мавжуд. Ҳуқуқат тепасидаги «Миллий фронт» МФ (Барисан насионал) коалицияси 1972 йилда ташкил этилган бўлиб, ўз ичига ўн тўртта партия ва ташкилотларни қамраб олган. МФнинг дастурий мақсадлари «Бирдам ва уйғун малайзия миллиятини янада жипслаштириш ҳамда «Рукунегара» асосида адолатли жамият қуришдан иборатдир.

Малайзия бошқа мамлакатлардан «тарихий маданияти», ўтмиш қадриятлари ва ривожланишининг энг юқори даражасини уйғунлаштиригани билан ажралиб туради. Мамлакат пойтахти Куала-Лумпур айни пайтда ҳақиқий ме-

мой экспорт қилиш бўйича дунёда етакчи ҳисобланади. Туризмдан тушадиган фойда ҳам давлат бюджетининг катта қисмини ташкил этади.



ИСЛОХОТЛАР ЎТКАЗИШНИ ВАЪДА ҚИЛДИ

Украина президенти Виктор Юшченко мамлакатда сиёсий ислохотлар ўтказиши ваъда қилди. Ислохотлар натижасида президентнинг қўпгина ваколатлари Бош вазири ва парламентга ўтиши кўзда тутилган. Бундан ташқари Юшченко телевидение журналистларига берган интервьюсида янги ҳуқуқат икки-уч ой ичида мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминлашга эриша олишини айтиб ўтди.

«СТЭН» МЕКСИКАГА КЕЛДИ

Марказий Американинг турли мамлакатларида кўплаб кишилар ҳаётига зомин бўлган «Стэн» тўғрисида энди Мексика ҳудудига етиб келди. Хавфлилик даражасига кўра биринчи тоифага киритилган бу тўфон Мексикага соатига 130 километр тезликда эсаётган шамол билан кириб келди. Айни пайтгача табиий офатдан ҳалок бўлганлар ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.



Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига! Жиззах вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси қуйидаги объектлар бўйича танлов савдоси ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

2006 йилда Жиззах вилоятида янги қуриладиган, капитал қайта таъмирланадиган ва капитал таъмирланадиган мактаблар:

№	Объект номи
КАПИТАЛ ҚАЙТА ТАЪМИРЛАШ	
ЛОТ 14:	
ЛОТ 14-1	Бахмал тумани Беккелди хўжалигидаги 290 ўринли 19-сонли мактаб
ЛОТ 14-2	Бахмал тумани Урай кишлоғидаги 410 ўринли 5-сонли мактаб
ЛОТ 14-3	Фаллаорол тумани Молтоб кишлоғидаги 260 ўринли 62-сонли мактаб
ЛОТ 14-4	Фаллаорол тумани Чангли кишлоғидаги 240 ўринли 54-сонли мактаб
ЛОТ 15:	
ЛОТ 15-1	Жиззах тумани Камабар кишлоғидаги 290 ўринли 53-сонли мактаб
ЛОТ 15-2	Жиззах тумани У.Хатамов хўжалигидаги 690 ўринли 14-сонли мактаб
ЛОТ 15-3	Зомин тумани Иттифок кишлоғидаги 230 ўринли 12-сонли мактаб
ЛОТ 15-4	Зомин тумани Бешкуб кишлоғидаги 230 ўринли 18-сонли мактаб
ЛОТ 15-5	Зомин тумани Қорамозор кишлоғидаги 230 ўринли 13-сонли мактаб
ЛОТ 16:	
ЛОТ 16-1	Зомин тумани Тоғтерак кишлоғидаги 230 ўринли 36-сонли мактаб
ЛОТ 16-2	Зомин тумани Юқори Пшагар кишлоғидаги 250 ўринли 41-сонли мактаб
ЛОТ 16-3	Зомин тумани Бешкуви хўжалигидаги 300 ўринли 14-сонли мактаб
ЛОТ 16-4	Зомин тумани Бешбулоқ кишлоғидаги 160 ўринли 59-сонли мактаб
ЛОТ 16-5	Зарбдор тумани Зарбдор шаҳарчасидаги 365 ўринли 2-сонли мактаб
ЛОТ 17:	
ЛОТ 17-1	Зафаробод тумани Хулкар хўжалигидаги 220 ўринли 15-сонли мактаб
ЛОТ 17-2	Фориш тумани Пасткўча кишлоғидаги 120 ўринли 55-сонли мактаб
ЛОТ 17-3	Фориш тумани Болғача кишлоғидаги 230 ўринли 67-сонли мактаб
ЛОТ 17-4	Фориш тумани Нурак кишлоғидаги 250 ўринли 8-сонли мактаб
ЛОТ 17-5	Жиззах шаҳри Раваллик маҳалласидаги 1290 ўринли 11-сонли мактаб
КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ	
ЛОТ 18:	
ЛОТ 18-1	Жиззах тумани Х.Носировов АХМдаги 860 ўринли 4-сонли мактаб
ЛОТ 18-2	Жиззах тумани А.Навоий АХМдаги 536 ўринли 10-сонли мактаб
ЛОТ 18-3	Зомин тумани Оқар кишлоғидаги 224 ўринли 53-сонли мактаб
ЛОТ 18-4	Зомин тумани Гулистон ҚФЙдаги 624 ўринли 30-сонли мактаб
ЛОТ 18-5	Зомин тумани Фолиб АХМдаги 624 ўринли 37-сонли мактаб
ЛОТ 19:	
ЛОТ 19-1	Зарбдор тумани Олтинқўл АХМдаги 120 ўринли 20-сонли мактаб
ЛОТ 19-2	Пахтакор тумани Абдужабборов хўжалигидаги 776 ўринли 8-сонли мактаб
ЛОТ 19-3	Янгиобод тумани Хўжамушкент кишлоғидаги 392 ўринли 5-сонли мактаб
ЛОТ 19-4	Янгиобод тумани Пучуғғой кишлоғидаги 412 ўринли 2-сонли мактаб
ЛОТ 19-5	Жиззах шаҳри Абдужабборов маҳалласидаги 860 ўринли 9-сонли мактаб

Қурилиш ишларини тугаллаш муддати — 1.08.2006 йил
Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 100-уй.
Телефонлар: (8372) 222-31-59, 222-30-11.

Қурилиш ишларини молиялаштириш «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларга ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Жиззах вилояти Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳуқуқий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:
Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 (эллик миң) сўм.
Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридидаги манзилга қабул қилинади.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишининг охириги мuddати — оферталар очилиш кuni ва соатига. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилганда бошлаб 30 кундан кейин юқоридида кўрсатилган манзилга ўтказилади.

Ташкилот ва корхоналар диққатига!

9112-ҳарбий қисм

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

— Термиз шаҳрида жойлашган 9341-ҳарбий қисм учун кичик оилаларга 20 хонали ётоқхона қурилишини тугаллаш.

Бошланғич нархи — 189,8 млн.сўм.

Қурилиш ишларини бажариш мuddати — 240 кун.

— Узун туманидаги «Оқ маҳит» чегарасида 8 хонадонли уй қурилишини тугаллаш.

Бошланғич нархи — 50,84 млн.сўм.

Қурилиш ишларини бажариш мuddати — 90 кун.

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Ўзбекистон Республикаси МХХ давлат чегараларини қўриқлаш қўмитаси томонидан ажратилган маблағ ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи — 9112-ҳарбий қисм.

Манзили: Термиз шаҳри, Ю.Бобоҳўжаев кўчаси, 65-уй.

Тел: 222-46-83

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг Қурилишда танлов

савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/факс: (8-37622) 2-44-73, 2-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридидаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очилиш кuni ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Тақлифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилганда бошлаб 30 кундан кейин Термиз шаҳри, А.Темур кўчаси, 69-уйда ўтказилади.

В соответствии с Постановлением Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг за №1127-1 от 18.04.2005 г. ООО-АКМАЛFAYZ-STAR раскрывает информацию о намерении приобрести 42 101 (сорок две тысячи сто один) штуку простых именных безлимитных акций АОТ «UZ

Спорт



2005 йил 26 сентябрь... Айнан шу кунни Венгрия пойтахти Будапештда эркин ва юнон-рум кураши буйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Дилшод Мансуров (55 кг.) ўз вази тоифасида олтин медални қўлга киритди.

— Дилшод, аввало иккинчи бор эришган юксак галабангиз билан табриклаймиз. — Раҳмат! — Бу Сизнинг 2003 йилда АКШда ўтган жаҳон чемпионатидан кейинги дастлабки энг катта ютуғингиз саналади. Будапештда за-

Хитойда ўтган Осиё чемпионатида ҳам куч синашган эдик. Бир-биримизнинг усулларимизни яхши ўзлаштирганлигимиз учун бу учрашув анча қийин кечди. Спортда галаба янги галабага ундайди, деган гап бор. Менимча, ушбу беллашув олдида аввал ҳам

дан миннатдорман. Тайёргарлик жараёнидаги муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиб бергани учун ҳам биз мусобақага пухта ҳозирлик қўрдик. — Кейинги режаларингиз қандай? — Олдимизда кўплаб йирик мусобақалар турибди. Келаси йили Хитойда ўтадиган жаҳон

ДИЛШОД МАНСУРОВ: ГАЛАБА ЯНГИ ГАЛАБАЛАРГА УНДАЙДИ

фар кучишингиз, оддий қилиб айтганда, дунёда биринчи рақамли курашчи эканлигингизни исботлаш осон кечмаган бўлса керак, албатта.

— Ўтган йили Афина олимпиадасида омадм чопмаган эди. Албатта, ана шу муваффақиятсизликдан сўнг ўзимни яна галабага тайёрлаш, ўнглаб олишим осон кечмади. Шунинг учун мусобақага пухта тайёргарлик қўрдим. Бу жаҳон чемпионати олимпиададаги мағлубиятим тасодиф эканлигини исботлаш учун имконият эди. Ушбу мусобақача шу йил май ойида Хитойда уюштирилган китба чемпионатида Осиё чемпиони бўлганлигим ҳам менга алоҳида куч бағишлади.

— Жаҳон чемпионатидаги рақибларингиз ҳамда ўтказган учрашуларингиз ҳақида тўхталсангиз...

— Аввало шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, илк мартаба жаҳон чемпионати FILA томонидан киритилган айрим ўзгаришлар, янги қоидалар асосида ўтказилди. Унга қўра, курашчилар ҳар бир учрашувда уч дақиқадан икки бўлимда эмас, икки дақиқадан уч бўлимда баҳс юритишди. Шу боис, мураббийларим кўрсатмаларига қатъий амал қилиб, асосий очколарни дастлабки бўлимларда қўлга киритишга ҳаракат қилдим. Мусобақада Катар, Украина, Мўғулистон, Япония, Болгария сингари давлатларнинг курашчиларига қарши гиламга чиқдим. Уларнинг барчаси кучли полвонлар ҳисобланади. Айниқса, чорак финалда япониялик Матсунаги билан ўтказган беллашувим кескин бўлди. Чунки у билан

қўлим устун келганлиги менга катта руҳий далда бўлди. Натижада Матсунаги устидан яна соф галаба қозондим. Умуман олганда, чемпионатдаги ҳар бир учрашув кескин ва шиддатли ўтиб, уларнинг барчасида мударидан олдин ғолиб чиқдим.

— Агар сир бўлмаса, мусобақадаги муваффақиятингиз ҳақида оила аъзоларингиз қачон хабардор бўлишди?

— Тўғриси, чемпионатда онам учун қўлимаган совғага катта руҳий қўллагандим. Шунинг учун уйга дарров қўнғирок қилмадим. Икки кундан сўнг, биринчи мураббийим Нурлан Жақилиқовга қўнғирок қилиб билдимки, улар ўша кунёқ «Eurosport» телеканали орқали намойиш этилган финал учрашувини кўришган экан. Шундан сўнг оймағ қўнғирок қилдим.

— Дилшод, жаҳон чемпионатида кўлга киритган ушбу галабангиз, мамлакатимиз спорт оламида муҳим ўрин тутаяди. Сиз бу йил ҳисобида Ватанимиз спортчилари орасида биринчи бўлиб Олимпия туркумидаги спорт турлари бўйича жаҳон чемпионатидан Ўзбекистонга олтин медал билан қайтидингиз. Ҳозир кўнғирокнинг ишлари қачон кечмоқда?

— Аввало мен ушбу нуфузли мусобақада устозларим ва мухлисларим ишончини оқлаганидан хурсандман. Бу галабага аввало, ҳукуматимиз спортга бераётган катта эътибори тўғрисида эришдим, деб ўйлайман. Қолаверса, мураббийларим, ҳомийлар ҳамда мухлисларнинг хизмати катта. Айниқса, ассоциациямиз президенти, курашимиз жонкуяри С.Абдувалиев-

чемпионати, Қатарда бўладиган Осиё ўйинлари шулар жумласидан. Бундай катта мусобақаларда ғолиб чиқиш учун эса мунтазам машғулотларда катнашиб, кўпроқ халқаро турнирларда иштирок этишимиз зарур. Шу боис, яқинда Эрондаги етакчи спорт клубларидан бири билан шартнома имзоладим. Яқин кунларда ўша клубга жўнаб кетаман. Уйлайманки, бу шартнома маҳорат ва тажрибамни янада оширишда жуда қўл келади.

— Жаҳон чемпиони бўлиш осон эмас. Бунинг учун жуда оғир меҳнат, юксак маҳорат ва жасорат керак бўлади. Агар Будапештда юзга яқин мамлакат вакиллари курашганлигини инобатга олсақ, беллашувлар қанчалик кескин бўлганлигини кўрамай. Бу галабага аввало мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортга берилаётган эътибор ҳамда Спорт курашлари ассоциациясининг аниқ режа асосида фаол иш олиб бораётганлиги тўғрисида эришилди, деб ўйлайман.

— Жаҳон чемпиони бўлиш осон эмас. Бунинг учун жуда оғир меҳнат, юксак маҳорат ва жасорат керак бўлади. Агар Будапештда юзга яқин мамлакат вакиллари курашганлигини инобатга олсақ, беллашувлар қанчалик кескин бўлганлигини кўрамай. Бу галабага аввало мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортга берилаётган эътибор ҳамда Спорт курашлари ассоциациясининг аниқ режа асосида фаол иш олиб бораётганлиги тўғрисида эришилди, деб ўйлайман.

— Жаҳон чемпиони бўлиш осон эмас. Бунинг учун жуда оғир меҳнат, юксак маҳорат ва жасорат керак бўлади. Агар Будапештда юзга яқин мамлакат вакиллари курашганлигини инобатга олсақ, беллашувлар қанчалик кескин бўлганлигини кўрамай. Бу галабага аввало мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортга берилаётган эътибор ҳамда Спорт курашлари ассоциациясининг аниқ режа асосида фаол иш олиб бораётганлиги тўғрисида эришилди, деб ўйлайман.

— Жаҳон чемпиони бўлиш осон эмас. Бунинг учун жуда оғир меҳнат, юксак маҳорат ва жасорат керак бўлади. Агар Будапештда юзга яқин мамлакат вакиллари курашганлигини инобатга олсақ, беллашувлар қанчалик кескин бўлганлигини кўрамай. Бу галабага аввало мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортга берилаётган эътибор ҳамда Спорт курашлари ассоциациясининг аниқ режа асосида фаол иш олиб бораётганлиги тўғрисида эришилди, деб ўйлайман.

Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири

ТОПАЛОВ ҲОЗИРЧА БИРИНЧИ

Сан-Луис (Аргентина)да ФИДЕнинг мулқ жаҳон чемпионлиги учун давом этаятган баҳслар ҳал қилувчи паллага кириб борапти. Жаҳоннинг етакчи саккиз нафар халқаро гроссмейстери иштирок этаятган ушбу мусобақанинг ҳар бир учрашуви мухлисларда катта қизиқиш уйғотмоқда.



Амалдаги жаҳон чемпиони, ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов бешинчи турда буюк британиялик Майк Адамсга қарши дона сурди. Ўтган йили Ливия пойтахти Триполида уюштирилган жаҳон чемпионати финалчилари бўлган мазкур жуфтлик баҳси кўпчиликнинг диққат марказида турганлигига шубҳа йўқ. Аммо, ҳамюртимизга қарши оқ доналар билан ўйнашига қарамай, Адамс яқинда дунда имзо кечкидан бошқа чора топа олмади — 0,5:0,5.

Навбатдаги учрашувда Рустам ўзидан ярим очко ортда бораётган венгриялик Петер Лекко билан баҳс юритди. Бу партия ҳам дуранг билан якунланди ва улар ўртасидаги фарқ ўзгармай қолди. Олтинчи турда болгариялик Веселин Топалов

ҳисобида эса бир хил — 3,5 тадан очко бор. Рустам Қосимжонов 3 очко билан тўртинчи, Петер Лекко эса (2,5) кейинги погонани банд этиб турибди. Чемпионат омадсизлари, деб эътироф этилаётган Морозевич, Адамс ҳамда Полгар иккитадан очко жамғарган.

Кеча мусобақанинг биринчи давра учрашувларига яқун ясалди. Еттинчи турда ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов турнир пешқадами Веселин Топаловга қарши дона сурди.

эса қора доналар билан ўйнаб, венгриялик Юдит Полгарни мағлубиятга уратди. Шу турнир қолган икки учрашувда эса дуранг натижа қайд этилди. Унда Вишванатан Ананд (Хиндистон) — Пётр Свидлер (Россия), Майкл Адамс — Александр Морозевич (Россия) жуфтликлари ўзаро рубару келишганди.

Нихосига етган олтинчи тур баҳсларидан сўнг, ҳали бирорта ҳам мағлубиятга учрамаган, ФИДЕ таснифи пешқадамларидан бири Веселин Топалов 5,5 очко билан олдинда бормоқда. Свидлер ва Анандлар ҳисобида эса бир хил — 3,5 тадан очко бор. Рустам Қосимжонов 3 очко билан тўртинчи, Петер Лекко эса (2,5) кейинги погонани банд этиб турибди. Чемпионат омадсизлари, деб эътироф этилаётган Морозевич, Адамс ҳамда Полгар иккитадан очко жамғарган.

Кеча мусобақанинг биринчи давра учрашувларига яқун ясалди. Еттинчи турда ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов турнир пешқадами Веселин Топаловга қарши дона сурди.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари тахририят жиамоаси Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, «Жаҳон адабиёти» журнали Бош муҳаррири ОЗОД ШАРАФИДДИНОВнинг вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ақинларига чуқур таъзия билдиради.

«Мулоқот» журнали тахрир ҳайъати ва жиамоаси «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Эркин Акрамовга волидан муҳтарамаси МАРЯМ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Қариси бор уйнинг париси бор» танловига

УМРНИНГ БЕШ ҲИКМАТИ

Олис Учқўрғон туманининг Чек қишлоғида бир юз олти ёшли момо Оқибатхон Юнусова истиқомат қилади. У асли андижонлик, бу ерга келин бўлиб тушган. Бугун эса пиру бадавлат момо ҳамқишлоқлари ҳурмат-эътибори, эъзозиде яшамоқда.

— Юз ёшдан ошдим, болажоним. Оллоҳнинг берган умри, насибасидан розиман. Яхши-ёмон кунларни кўрдим. Аммо-лекин Яратганга шак келтирмадим. Ҳаммасига чидадим. Сабр-қаноатда гап қўп экан. Шўхр, болаларим, неварачекараларимнинг ҳаммаси соғ-саломат. Сизларга ўхшаб узоқ яшашимни сўровчилар қўп. Уларга нима дейишимни билмайман. Нима дейин? Шунча умр кўриш пешонамга ёзилган экан, бировдан ортиқ, бировдан кам яшамасам. Аммо-лекин қўп яшаган одам қўп нарсани кўраётган экан, оз-оздан эслаб қолсам олам-жаҳонни ёдига қоларкан. Ҳаётимдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, пок наслу насаб, пок кўнгли, пок киза қўп, пок нияту пок вужудда гап қўп. Шу беш ҳикматга амал қилиб яшаганим учунмикин, мана, юздан ошиб, уч асрни кўриб турирман.

— Бордию, Яратганинг марҳамати билан ёшлигингизга қайтсангиз, қандай яшаган бўлардингиз?

— Бунинг иложи йўқда, болакам, — қулиб жавоб қилади Оқибатхон момо. — Иложи бўлган тақдирда, қандай яшаган бўлсам, шундай яшайверар-

дим, фақат Худодан соғлиқ, хотиржамлик ва бойлик сўраган бўлардим. Билсаларингиз, ана шу уч нарса ҳам инсон умрини зиёда қиларкан.

— Сўраганинг айби йўқ, бир юз олти йиллик умрингизнинг зое кетган, беҳуда ўтган давлари ҳам бўлганми?

— Йўқ, десам, ёлгон гапирган бўламан. Ёлгонни ўзи ёмон кўраман. Бир юз олти йиллик умр аслида оз эмас. Аммо, бир қарасанг, у бир лаҳзадай, кўз очиб юмгунча ўтиб кетгандай. Лекин шу «бир лаҳза»лик ҳаётимда кўрган-кечирганларимни айтиб берсам, битта эмас, ўн та китобга ҳам сиймайди. Не-не кунларни, не-не даврларни бошимиздан ўтказмадик? Бекор кетган, беҳуда ўтган кунларимиз ҳам оз бўлмаган. Аммо-лекин, бировга яхшилик қилишим мумкин бўлган ҳолда шу яхшиликни қилмаган, қилолмаган кунларимга ачинаман. Умрининг шундай кунларини зое кетган, деб ҳисоблайман.

— Бугунги ёшларга, неварачекараларингизга нима деган бўлардингиз?

— Ўтган умримни эсласам, бугунги ёшларга ҳавасим келади.



Нимасини айтмай, бундай замоналар, давру давронларни бизлар тушларимизда ҳам кўрмасдик. Худого шўхр, овоз юрда яшаймиз. Оқшом ёстиққа хотиржам бош қўймоқ, эрталаб хотиржам уйғонмоқликнинг ўзи катта давлат. Кўчингизни беҳуда сарфламаг, ота макон, она тўпроқ учун сарфланг. Шундай қилсангиз кам бўлмайсиз, молларинг айлансин. Яна ўзингиздан «Мен қандай одамман, қилаётган ишларим тўғрими-йўқми, ота-онам мендан розими, оилам-чи, фарзандларимга

қандай тарбия берайман, элга, юртга ёрдамим тегайтимми, одамларга яхшилик қилиб яшаш қўлимдан келаяптими?» деб бот-бот сўраб турсаларингиз, ҳаётда қўқилмайсизлар. Шунда умрларингиз узоқ, ҳаётларингиз ширин бўлади.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

«Суратда: учқўрғонлик 106 ёшли Оқибатхон момо Юнусова.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Миннатдорчилик

ОЛИС ҚИШЛОҚ ҚУВОНЧЛАРИ

Юртимизда бўлаётган ўзгаришларни рўй-рост ёритиб, саҳифаларингизда нурунийларингиз ҳаёти, бугунги кунни ҳақидаги материалларга кенг ўрин берилётгани учун тахририят жиамоасига Фарғона вилояти фахрийлари номидан миннатдорчилик билдирамиз.

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2005 йил 13 август сониде «Оқиси бор уйнинг париси бор» танловига тақдирларингизга раҳмат билан таъзия билдирамиз.

— Жаҳон чемпиони бўлиш осон эмас. Бунинг учун жуда оғир меҳнат, юксак маҳорат ва жасорат керак бўлади. Агар Будапештда юзга яқин мамлакат вакиллари курашганлигини инобатга олсақ, беллашувлар қанчалик кескин бўлганлигини кўрамай. Бу галабага аввало мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортга берилаётган эътибор ҳамда Спорт курашлари ассоциациясининг аниқ режа асосида фаол иш олиб бораётганлиги тўғрисида эришилди, деб ўйлайман.

Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири

ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Швейцариянинг Ньон шаҳрида жойлашган УЕФА қароргоҳида Европа кубоги учун қуръа ташлаш маросими ўтказилди. УЕФА кубоги учун қирқ жамоа саккиз гуруҳга бўлинган ҳолда саралаш учрашувларини ўтказди.

Россия футбол клублари кубок учун курашда «В», «Г», «Н» гуруҳларида бахslashадиган бўлди. Жумладан, «В» гуруҳига кирган Москванинг «Локомотив» клуби «Испаниянинг «Эспаньол», Италиянинг «Палермо», Даниянинг «Брондбю» ҳамда Исрроилнинг «Маккаби» жамоаларига қарши майдонга тушади. «Г» гуруҳидаги ЦСКА футболчилари эса «Марсель» (Франция), «Херенвен» (Голландия), «Левски» (Болгария), «Динамо» (Бухарест) клублари билан баҳс юритади. Россиянинг «Зенит» футболчилари «Н» гуруҳида Туркиянинг «Бешикташ», Испаниянинг «Севилья», Англиянинг «Болтон», Португалиянинг «Гумарайш» клубларига қарши тўп сурайдиган бўлди.

Дастлабки тур ўйинлари 19 октябрда бошланади. Шу кун «Локомотив» — «Эспаньол» майдонга тушади. Эртасига эса ЦСКА — «Марсель» ва «Зенит» — «Гемарайш» учрашувлари бўлади. Хар бир гуруҳда юқори ўринлари эгаллаган учтадан жамоа 1/16 финалга йўлланма олади.

Журналнинг янги сони

«МУЛОҚОТ» САҲИФАЛАРИДА



Маълумки, шу кунларда мамлакатимизда Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Шу муносабат билан журналнинг навбатдаги сони саҳифаларидан воҳанинг бир гуруҳ олимлари чикмилари ўрин олган. Қарши давлат университети

ти ректори, филология фанлари доктори Бойназар Йўлдошев билан бўлган сўхбат «Мақсадимиз — қалб ободлиги, юрт тинчлиги» деб номланган, унда ёшларнинг илм олиш борасидаги интилишлари тўғрисида кенг мушоҳада юритилди. Таниқли олим Поён Равшановнинг «Қарши қалъаси», профессор Обод Журақуловнинг «Хунар эгалларининг довури», профессор Аҳмаджон Чориевнинг «Шахрисабзнинг қадимий номлари», Рашид Жумаевнинг «Навий ва насаф мактаби», Гулора Равшанова ва Раъно Садуллоеванинг «Қарши сайёҳлар нигоҳида», сингари мақолаларида воҳа тарихи ҳамда маданий ҳаёти тўғрисида қимматли маълумотлар берилди.

Шунингдек, Қарши давлат университети ўқитувчилари — фалсафа фанлари доктори Исмаилов Худойбердиевичнинг «Ёшлар тарбиясида психология омили», доцент Нарзулла Боймуродовнинг «Амир Фермузининг руҳий олами», филология фанлари доктори Дамин Тўраевнинг «Янги аср — янги наср», тадқиқотчи Сабоҳат Маматқуловнинг «Қадрият ва шахсининг ижтимоийлашуви» номли қатор мақолалари ҳам журналонлар учун бир талай янгиликлар бериши шубҳасиз. Бундан ташқари, назм илосмандлари журналнинг ушбу сониде ёш қаламкашлар шеърларидан намуналар ўқийдилар.

Рашид РАУПОВ

Ўзбекистоннинг йирик ва универсал банкларидан бири ХАЛҚ БАНКИ

Мижозларга 20 га яқин жозибадор омонат турларини жорий этган ҳолда «ФАРОВОН» ҳамда «МАРЖОН» омонат турларини тақлиф этади.

«ФАРОВОН» — қисқа муддатли, сақлаш муддати 3 ой, даромад миқдори йиллик 35% ҳисобиде, бошлангич бадал 100 000 сўм.

«МАРЖОН» — қисқа муддатли, сақлаш муддати 6 ой, даромад миқдори йиллик 32% ҳисобиде, бошлангич бадал 50 000 сўм. Омонатларга пул маблағлари Халқ банкининг барча муассасалари орқали қабул қилинади.

ОМОНАТИНГИЗНИ ИШОНЧЛИ БАНҚДА САҚЛАНГ ВА КўПАЙТИРИНГ!

(Газетанинг навбатдаги сони 11 октябр, сешанба кун чикади.)

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV, Asliddin RUSTAMOV, Latif G'ULOMOV, Ashur QODIROV, Bobir ALIMOV, Habib SA'DULLA, Farruh HAMROYEV, Alimqul SULTONOV, Andrey ORLOV, Norbobo SHAKAROV, Nomoz SA'DULLAYEV, To'lepbergen QALIBBERGENOV, Muhiiddin MUHIDDINOV, Olim MURODOV, Abdug'ani MAMASODIQOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat, partiya va xalqaro hayot, Ma'naviyat va ma'rifat, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Parlament va huquq, Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq, Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik, Xatar va ommaviy ishlar, Reklama va e'lonlar

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Termizda

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchesi:

Matnazar ELMURODOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi:

Ikomjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etiladi.

Korxonaning manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.

Hajmi 2 bosma tabloq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib boshish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 755

6558 nusxada bosildi

1 — Tuzatish matniga

O'ZA yakuni — Topshirish vaqti —

1 2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda